

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ ВА
ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.30.08.2019.Ss.89.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ
ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ**

КАДИРОВ МАХАМАТНАСИР УКТАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**23.00.05 – Миллий хавфсизлик муаммоларини тизимли таҳлили ва
прогнозлаштириш (иқтисодиёт фанлари)**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 330.322-049.5:005.591.6(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Кадилов Махаматнасил Уктамович

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда
инновацион-инвестицион фаолиятни такомиллаштириш..... 3

Кадилов Махаматнасил Уктамович

Совершенствование инновационной и инвестиционной деятельности
для обеспечения экономической безопасности Республики Узбекистан.. 31

Kadirov Mahamatnasir Uktamovich

Improving innovation and investment activities in ensuring economic
security of the Republic of Uzbekistan 58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 62

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ ВА
ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.30.08.2019.Ss.89.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ
ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ**

КАДИРОВ МАҲАМАТНАСИР УҚТАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН- ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**23.00.05 – Миллий хавфсизлик муаммоларини тизимли таҳлили ва
прогнозлаштириш (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2020.4.PhD/Iqt1562 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) “ZiyoNet” ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Бурханов Ақтам Усманович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Мирҳаётов Мирвоҳид Мирзоҳид ўғли
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тadbиркорлик олий мактаби**


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2021 йил 24 февраль кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2298 рақами билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2021 йил 13 февраль кuni тарқатилди
(2021 йил 13 февралдаги 1 рақамли реестр баённомаси).

**И.И.Бобокулов**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, ю.ф.д., профессор

И.Н.Исламов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**Қ.А.Джураев**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, с.ф.д., доцент

КИРИШ

(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатларининг ярмидан ортиғига кашфиётлар, янги маҳсулотларнинг юзага келиши ва тижоратлашуви натижасида эришилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда экспортнинг асосий қисми табиий ресурслар ҳиссасига тўғри келаётганлиги инновацияларга бўлган эътиборнинг сустиғига олиб келмоқда. Бунга мисол тариқасида Бирлашган Араб Амирликларини келтириш мумкин. Ушбу мамлакат экспортининг асосий қисмини нефть ва қимматбаҳо металллар ташкил этади. Импорт таркибида эса тайёр истеъмол товарлари улуши сезиларли ҳисобланади. Масалан, импортнинг 1/3 қисми Японияга тўғри келса, тўқимачилик маҳсулотлари Хитойдан келтирилади¹. Бу эса, инновацион фаолиятга инвестицияларни жадал жалб этишни тақозо этиб, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутишини кўрсатмоқда. Бундай тажрибага эга бўлган компаниялар, ҳатто мамлакатларнинг тимсоли шаклида ҳам акс этмоқда. Уларга мисол сифатида Япониянинг Toyota, АҚШнинг Microsoft ва Apple, Жанубий Кореянинг Samsung компанияларини келтириш мумкин. Ушбу компанияларнинг асосий стратегиялари инновацияларга инвестициялар ҳажми жуда юқори бўлишига асосланади. Жумладан, Apple компанияси, 2019 йилнинг ярим йиллиги давомида инновацион фаолият (тадқиқотлар ва ишланмалар) га 4,2 млрд АҚШ доллари йўналтирган бўлса, 2019 йил якунига келиб ушбу кўрсаткич 16 млрд АҚШ долларидан ошиб кетди².

Жаҳон иқтисодиётида кескинликларнинг ортиши давлатларнинг иқтисодий хавфсизлигига нисбатан таъсирларни кучайтирмоқда. Булар сирасига, йирик иқтисодиётлар ўртасидаги савдо келишмовчиликлари, турли санкциялар ва ташқи қарз ҳажмининг ортиши каби ҳолатларни киритиш мумкин. Шунингдек, 2020 йил бошидан пандемия билан боғлиқ инқирознинг юзага келиши жаҳон мамлакатлари иқтисодиётларини яна бир бор синовдан ўтказди. Бу эса, миллий иқтисодиётлар олдида замонавий кўринишдаги устувор йўналишларни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларни қўймоқда. XXI асрда мамлакатлар, экстенсив иқтисодий ўсиш йўлидан интенсив иқтисодий ўсиш йўлига ўтмоқдалар. Ушбу йўналиш эса мамлакатларда инновацион фаолиятни ривожлантириш билан ўз аксини топмоқда. Ўз навбатида, мамлакатларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятнинг ўрни тадқиқ этилмоқда. Унга кўра, тадқиқотларни молиялаштириш, уларни муддатлар ва маблағлар ҳажми нуқтаи назаридан табақалаштириш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги кўрсаткичлар тизими шакллантирилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда давлат бюджетидан ажратмалар инновацион-инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбаси ҳисобланади. Шундай бўлса-да, хусусий манбалар ҳисобидан молиялаштиришда венчур фондлари, стартаплар, фриланс тадбиркорлиги билан боғлиқ жараёнларнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ шакллантирилиши заруратга айланди. Жумладан, давлат

¹<https://internationalwealth.info/offshore-business-abroad/peculiarities-of-import-and-export-uae/>

²<https://appleinsider.ru/eto-interesno/skolko-stoyat-innovacii-apple.html>

бюджети маблағларида фан учун харажатларнинг кичик миқдорда қолиши инновацияларнинг яратилишига тўлиқ имкон бераётгани йўқ. Ўзбекистон экспортида ҳам тайёр ёки илмий сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотларнинг улуши кичик миқдордалиги иқтисодий хавфсизликни таъминлашда мураккабликнинг мавжудлигини кўрсатиб беради. Шу боисдан, инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш орқали иқтисодий барқарорликка эришиш муҳим ҳисобланади. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаб ўтганидек, “Мамлакат таракқиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир”¹.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ҳамда 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сонли “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сонли “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Инновацион-инвестицион фаолият ва унинг иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ва ролига нисбатан кўплаб хорижлик олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, А.Барт, Р.Кан, Д.Кейнс, Й.Шумпетер, Г.Вукович, А.Крылова, С.Глазьев, А.Градов, А.Ильин, И.Давиденко, И.Долматов, И.Зубова, С.Лапаев, А.Лукин, Е.Митяков, Е.Михалко, О.Полозюкова, Т.Попова, О.Селюгина, В.Сенчагов²

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлиси палаталарига Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.

² Барт А.А. Обеспечение экономической безопасности России в условиях формирования инновационной экономики: автоферат ... к.э.н. - Ульяновский государственный технический университет, Ульяновск, 2012. – С.19; Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. – 176 с.; Вукович Г.Г., Крылова А.И. Инновационное развитие России//Общество: социология, психология, педагогика. – М.: 2012. -№2; Глазьев С.Ю. Основа обеспечения экономической безопасности страны: альтернативный реформационный курс // Российский журнал, 1997. №1; Градов А.П., Ильин А.В. Экономическая безопасность страны: принципы анализа состояния и противодействия угрозам//ЭНСР. - №3(30). 2005. – С. 88-101; Давиденко И.В. Воздействие транснациональных корпораций на экономическую безопасность страны: автореферат ... к.э.н. – РосГЭУ (РИНХ). Ростов-на-Дону, 2016. – 25 с.; Долматов И.В. Формирование региональной системы обеспечения экономической безопасности: диссер. ... к.э.н. –М.: РГБ, 2007; Зубова И.И. Управление экономической безопасностью приграничного региона в условиях вступления России во Всемирную торговую организацию: автоферат ... к.э.н. - Московский государственный институту электроники и математики, Москва, 2006. – С.11; Лапаев С.П. Управление формированием региональной инновационной системы: автореферат ... д.э.н. – Оренбургский государственный университет. - Оренбург, 2013. - 42 с.;

инновацион фаолият, инвестицияларни тадқиқотларга йўналтириш ва иқтисодий хавфсизликнинг кўрсаткичлари бўйича тадқиқотлар олиб бориб, илмий хулосаларни тизимлаштирган.

Буюк Британиялик олимлар Р.Кан ва Д.Кейнслар иқтисодиётда инвестицияларнинг умумий мультипликатор самарасини тадқиқ этиб, иқтисодий ўсиш ва технологияларга инвестициялар ўртасида кучли корреляцион боғ борлиги аниқланган. Австриялик иқтисодчи Й.Шумпетер эса инновациялар содир бўлиши учун ишлаб чиқаришнинг технологик ўзгариши, бунда янгилашиш элементлари мавжуд заруратдан келиб чиқиши керак, деган хулосага келган.

Россиялик олимлар орасида В.Сенчагов иқтисодий хавфсизлик категориясини атрофлича тадқиқ этган бўлиб, унинг иқтисодий хавфсизликни таъминлашда индикаторлар мажмуини ишлаб чиқишдаги ўрни юқори ҳисобланади. А.Барт иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари борасида илмий хулосаларни асослаб беради.

Ўзбекистонлик олимлардан Ҳ.Абулқосимов, А.Адашев, Қ.Алтиев, Ш.Атамуродов, А.Бурханов, С.Гиясов, Т.Жалилов, Н.Жумаев, Д.Исмаилов, Н.Исмоилова, А.Отеулиев, Н.Расулов, Д.Рахмонов, З.Расулхўжаев, М.Хамидулин ва Д.Шадиёвалар¹ иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий

Лукин А.Е. Налоговое стимулирование инновационной деятельности в системе государственного регулирования: автореферат ... к.э.н. – М.: МГУ им. Ломоносова, 2010. – 30 с.; Митяков Е.С. Развитие методологии и инструментов мониторинга экономической безопасности регионов России: автореферат ... д.э.н. - Нижегородский государственный технический университет им. Р.Е. Алексеева, Нижний Новгород, 2018. – 48 с.; Михалко Е.Р. Инновационный потенциал в системе экономической безопасности (на примере потребительской кооперации Республики Беларусь): автореферат ... к.э.н. – Финансовая академия при Правительстве Российской Федерации- Москва, 2009. - 30 с.; Полозюкова О.Е. Пути реализации стратегии инновационного развития Китая//Проблемы экономики и менеджмента, 2011. -№3, - С.84-90; Попова Т.Ю. Долгосрочное кредитование и проектное финансирование банками с государственным участием НИОКР финансовых инноваций//Финансовая аналитика проблемы и решения: Банковский сектор. – М., 2011, - №20(62); Селюгина О.Н. Развитие подходов к формированию инновационной среды как основы устойчивого развития хозяйствующих субъектов в строительстве: автореферат дисс... к.э.н. – Иркутск: Иркутский государственный технический университет, 2014. – 19 с.; Сенчагов В.К. Экономическая безопасность России: Общий курс. – 3-е изд., перераб. и доп. –М.: БИНОМ: Лаб. знаний, 2010;

¹ Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодий хавфсизлик. -Т.: Akademiya, 2006. – 221 бет.; Адашев А. Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш механизмини такомиллаштириш//Бизнес-эксперт. – Т., 2016. - №1(97)-2016; Алтиев Қ.С., Қаюмов С.А. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга эришиш масалалари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2019 йил; Атамуродов Ш.А. Хорижий мамлакатларда венчурли инновацион лойиҳалаштириш моделлари //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил; Бурханов А.У. Инвестиция фондларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш//Илм-фан ва инновацион ривожланиш журнали. – Т.: 2019. - №4. –Б.6-13; Бурханов А.У. Мамлакат молиявий хавфсизлигининг моҳияти ва уни таъминлашнинг айрим долзарб масалалари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил; Гиясов С.А. Корхоналарнинг инновацион-инвестицион фаолиятини тартибга солишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш: ... PhD автореферати. – Тошкент. БМА, 2019. – 51 б.; Жалилов Т.Қ. Ёқилги-энергетика тармоғининг инновацион салоҳиятини ошириш истикболлари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2018 йил; Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А. Жаҳон иқтисодиётининг янги инқирози – иқтисодий ҳаракатсизлик. 03.04.2020 й. <https://review.uz/oz/exg>; Исмаилов Д.А. Инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш усуллари такомиллаштириш: ... PhD автореферат. – ТДИУ, 2018. – 52 б.; Исмоилова Н. Бюджет-солиқ хавфсизлигини таъминлаш миллий иқтисодий хавфсизлик гаровидир//Бизнес-эксперт. – Т.: №12(120)-2017; Отеулиев А. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш концепцияси асослари//Биржа эксперт, 29.12.2017 й. №12(120)-2017; Расулов Н.А. Венчур молиялаштириш механизмларини ўрганишда хорижий мамлакатлар тажрибаси //Иқтисодиётда инновация журнали, 2018 - №1. - Б. 51-59. DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-1>; Расулхўжаев З.Ж. Инновация фаолиятини молиялаштиришнинг асосий жиҳатлари//Иқтисод ва молия. – Т.: 2013. - №2. –Б. 13-16.; Хамидулин М.Б. Инновацияларни венчур молиялаштириш//Илм-фан ва инновацион ривожланиш. -Т., 2019. -

инқирозларни бартараф этиш йўллари, инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш масалаларини ўрганганлар. Аммо уларнинг тадқиқотларида инновацион-инвестицион фаолият алоҳида объект сифатида кўриб чиқилмаган.

Х.Абулқосимов мамлакатимизда иқтисодий хавфсизликка тадқиқот объекти сифатида қараб, ушбу йўналишда ўзбек илм-фанида дастлабки қадамларни қўйган бўлса, А.Бурханов мамлакатнинг молиявий хавфсизлиги ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлар билан узвийлиги каби жиҳатларга, Н.Жумаев ва Д.Рахмонов макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда инқирозли ҳолатларнинг юзага келиш эҳтимолига эътибор қаратишган. С.Гиясов инновацион-инвестицион фаолиятни тартибга солишда солиқлардан фойдаланиш йўллари тадқиқ этиб, илмий хулосаларни шакллантирган. М.Хамидулин ва Д.Шадиева томонидан эса венчурли молиялаштириш йўналишлари ўрганилган.

Умуман олганда, инновацион-инвестицион фаолиятга боғлиқ тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосан ёки инновацияларни, ёки соҳага инвестициялар йўналтиришни рағбатлантириш механизмларини ўрганишга қаратилган. Шунингдек, ушбу икки масалани иқтисодий хавфсизлик кесимида ўрганишга бўлган объектив зарурат тадқиқотчилар назаридан четда қолган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (Аш. №2172, 25.11.2019 йил).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятнинг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш заруратини очиб бериш;

Ўзбекистонда инвестицион сиёсатнинг инновацияларга йўналтирилишининг иқтисодий хавфсизликка таъсирини ўрганиш;

Ўзбекистонда инновацион-инвестицион фаолиятнинг ривожланиш тенденциялари амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг таъсирини камайтиришда инновацион тадбиркорликдан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқиш;

инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш орқали иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг илғор тажрибаларини ўрганиш;

№1. – Б.7-13.; Шадиева Д. Роль венчурного финансирования в инновационном развитии экономики//Молия журнали. –Т.: 2014. -№1. – Б. 40-45.

Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантириш орқали таъминлаш истиқболларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш жараёни қабул қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятни такомиллаштириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракциялаш, тизимли таҳлил, омилли таҳлил, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илмий тадқиқот лойиҳаси ҳаётий циклининг турли даврларида юзага келиши мумкин бўлган “манфаатлар тўқнашуви”нинг иқтисодий хавфсизликка таъсирини аниқлаш ва бартараф этишнинг кўп босқичли таомили таклиф этилган;

иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион фаолият молиявий манбалари таркибини диверсификациялаш, бюджетдан ташқари ҳамда хомийлик маблағларини жалб этишнинг “рағбатлантирувчи муҳити”ни шакллантириш орқали мақбуллаштириш асосланган;

инновацион лойиҳаларни танлаб олишдаги табақалаштирилган молиялаштириш мезонларини ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда қўллашнинг турли рисклар ҳамда иқтисодий хавфсизликка таъсирини минималлаштириш асосланган;

инновацион-инвестицион хавфсизликни таъминлашнинг чегаравий қийматларини аниқлаш асосида 2030 йилга қадар инновацион тавсифдаги инвестициялашнинг оптимал қийматлари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

инновацион-инвестицион фаолиятни амалга оширишда форсайт методологиясини жорий этиш йўллари таклиф этилган;

макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш интенсив ўсиш омиллари самарадорлигини ошириш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги ролини такомиллаштириш таклиф этилган;

инвестицион фаолиятни тармоқлар кесимида амалга оширилиши ва иқтисодий хавфсизлик ўртасидаги уйғунлик асослаб берилган ва такомиллаштирилган;

иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган макроиқтисодий параметрлар тизими шакллантирилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг илмий ва услубий жиҳатдан асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган эмпирик тадқиқотларнинг ўрнатилган услубий асосга эгаллиги, хулоса ва таклифларнинг инновацион, инвестицион ва иқтисодий соҳалардаги ваколатли давлат бошқаруви органлари, вазирлик ва идоралардан ўтганлиги ва тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни

таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда инқирозга қарши бошқарувни такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасида инновацион лойиҳаларни танлаб олиш ва уларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, инновацияларни уларнинг тўлиқ ҳаёт цикли давомида қўллаб-қувватлаш, инновацион тадбиркорликни ривожлантиришда, шунингдек, мазкур йўналишда мустақил илмий тадқиқотлар олиб бориш, олий таълим муассасаларида “Иқтисодий хавфсизлик”, “Молия”, “Инвестицияларни бошқариш” каби фанларнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалий базасини мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

илмий тадқиқот лойиҳаси ҳаётининг турли даврларида юзага келиши мумкин бўлган “манфаатлар тўқнашуви”нинг иқтисодий хавфсизликка таъсирини аниқлаш ва бартараф этишнинг кўп босқичли таомилни қўллаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг 2020 йил 9 ноябрдаги 11/2-3157-сон маълумотномаси). Мазкур механизмнинг амалиётга жорий қилиниши илмий тадқиқот лойиҳаларини давлат томонидан молиялаштириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилган;

иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион фаолият молиявий манбалари таркибини диверсификациялаш, бюджетдан ташқари ҳамда ҳомийлик маблағларини жалб этишнинг “рағбатлантирувчи муҳити”ни шакллантириш орқали мақбуллаштириш таклифидан “Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо ва интеграцион ҳамкорлик стратегияси” лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 05-26-11945-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш, илмий тадқиқотларни фан хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда молиялаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг инновацион маҳсулотларга қизиқишини ошириш имконияти яратилган;

инновацион лойиҳаларни танлаб олишдаги табақалаштирилган молиялаштириш мезонларини ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда қўллашнинг турли рисклар ҳамда иқтисодий хавфсизликка таъсирини минималлаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 5-илоvasи “2020-2022 йилларда электрон ҳукуматни янада ривожлантириш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати”ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва

ташқи савдо вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 05-26-11945-сон ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 04-55/3447-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида бюджетдан молиялаштириладиган лойиҳаларни танлаб олиш жараёнлари такомиллаштирилган;

миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион ва юқори технологик йўлидан боришда мамлакат рақобат устунлигини тўғри сафарбар этиш, инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтиришга инвестицияларни йўналтириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг 2020 йил 9 ноябрдаги 11/2-3157-сон маълумотномаси). Рақобат устунлигини инновациялар билан уйғунлаштириш натижасида жаҳон бозорида миллий товар ва хизматларнинг харидоргир бўлишига, импортнинг ўрнини босувчи юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига замин ҳозирланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари 3 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда, 1 таси нуфузли хорижий журналда, 2 таси халқаро, 6 таси республика миқёсида ташкиллаштирилган илмий-амалий конференциялар ва семинарлар материалларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация асосий матнининг ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инновацион-инвестицион фаолиятнинг назарий асослари ва иқтисодий хавфсизликдаги ўзига хос хусусиятлари”** номли биринчи бобда Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятнинг назарий-услубий жиҳатлари ёритилган. Хусусан, инновация ва иқтисодий хавфсизлик тушунчалари мазмуни очиб берилган, инновацион-инвестицион соҳада ҳимоя қилиниши керак бўлган миллий иқтисодий манфаатлар бўйича муаллифлик ёндашуви баён этилган. Шунингдек, инновацион фаолиятни инвестицион кўллаб-қувватлашнинг молиявий манбалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Иқтисодий хавфсизлик моҳиятини ёритишда Г.Вечканов¹ томонидан ишлаб чиқилган таърифга асосланамиз: иқтисодий хавфсизлик – бу иқтисодиётнинг шундай ҳолати, бунда барқарор иқтисодий ўсиш, жамият эҳтиёжларининг оптимал қондирилиши, оқилона бошқарув ҳамда иқтисодий манфаатларнинг миллий ва халқаро даражалардаги ҳимояси тўла таъминланади. Ушбу таърифнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у иқтисодий хавфсизликка ҳимояланиш орқали эмас, балки ривожланиш орқали эришилишини назарда тутди. Шу нуқтаи назардан, унда, асосий эътибор иқтисодий манфаатларга қаратилган (тахдидлар ёки ҳимояланиш чораларига эмас). Таърифдан келиб чиққан ҳолда, инновацион-инвестицион соҳадаги миллий иқтисодий манфаатлар сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

мамлакат ЯИМда юқори қўшилган қиймат ва илмий сиғимкорликка эга маҳсулотлар улушининг муттасил ўсиб бориши;

маҳаллий ишлаб чиқаришнинг юқори технологиялар ҳисобига чуқур диверсификация қилиниши;

ялпи ички истеъмолда миллий маҳсулотлар улушининг ортиб бориши;

инновацион фаолиятга йўналтирилаётган инвестицияларнинг максимал самарадорлиги;

жаҳон бозорларида миллий маҳсулотларнинг рақобат устунлигига эга бўлиши;

миллий иқтисодиётнинг технологик мустақиллиги;

инновацияларнинг тадбиркорлик фаолияти ва аҳоли турмуш-тарзининг ажралмас қисмига айланиши;

иқтисодий муносабатларнинг рақамли технологиялар орқали амалга ошиши.

Шу ўринда инновацион-инвестицион соҳадаги тахдидлар ҳам белгилаб олинди:

¹Вечканов Г.С. Экономическая безопасность / Учебник для вузов. СПб., 2007. – С.5.

инновацион фаолиятни молиялаштиришга ички ва ташқи маблағларнинг етишмаслиги;

инновациялар учун инвестиция манбаларининг диверсификация қилинмаганлиги;

инновацион фаолиятнинг пастлиги – инновацион лойиҳалар сонининг сурункали қисқариши, инновацияларни жорий этиш даражаси пастлиги;

инновацион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнининг мураккаблиги;

инновацион лойиҳалар молиявий рискининг ортиб кетиши;

илмий тадқиқотларга харажатларнинг етарли эмаслиги;

инновацион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида юзага келадиган коррупцион ҳолатлар;

кадрлар салоҳиятининг пасайиб кетиши.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида инновациялар билан янгилик ўртасида сезиларли даражада фарқлар мавжуд эканлиги аниқланди. Жумладан, инновация деган мақомга эга бўлиши учун, аввало, янги ғоя қуйидаги талабларга жавоб бериши керак бўлади:

вақтнинг тежалиши;

харажатларнинг камайтирилиши (ресурсларни тежаши);

экологик ҳолатга салбий таъсир этмаслиги.

Инновацион-инвестицион фаолият эса маълум муддатга мўлжалланган молиявий ресурслардан фойдаланган ҳолда инновацион фаолиятни таъминлашни аниқлаб, у орқали илмий сиғими юқори қиймат яратилади ва натижада иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги таъминланади.

Инновацион-инвестицион фаолиятни амалга ошириш йўналишида давлат бюджетидан фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар учун маблағлар ажратиш назарда тутиб келинган. Натижада, миллий иқтисодиётнинг “бош инноватори” мақоми давлатга ўтиб, хусусий секторнинг соҳага қизиқиши рағбатлантирилмаган. Бундан ташқари, бизнес ва тадқиқотлар ўртасидаги ўзаро инновацион-инвестицион ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги ҳам иқтисодиётда инновацияларга бўлган ялпи талабнинг тўпланиб қолишига сабаб бўлди. Шу боисдан, мазкур соҳада хусусий сектор маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш бирламчи вазибалардан бири ҳисобланади.

Изланиш натижалари асосида инновацияларга инвестицияларни йўналтиришни рағбатлантирувчи экотизим модели ишлаб чиқилди (1-расм). Унга кўра, инновацион-инвестицион фаолият 6 та институционал бирликлардан иборат бўлади. Улар ўзаро мувофиқ ва самарали ишлаган ҳолатида ёки бошқача қилиб айтганда, инновацион-инвестицион фаолият экотизими яхши йўлга қўйилган шароитда юқори илмий сиғимкор маҳсулотлар яратилади, иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодиёт хавфсизлиги таъминланади.



1-расм. Иновацион-инвестицион фаолият ривожланиши учун зарур бўлган экотизим модели

Манба: тадқиқотлар асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш ўринлики, хўжалик субъектининг ўз маблағларидан инновацияларга инвестициялар йўналтириш мақсадида фойдаланиши, юқори сифат ва рақобатбардошлик каби бир қатор афзалликларни тақдим этади.

Ўзбекистоннинг инновациялар соҳасида миллий иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари ўзаро нисбатини мақбуллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инновацион фаолиятнинг молиявий барқарорлигига эришиш учун унга йўналтириладиган инвестициялар манбаларини диверсификация қилиш бирламчи вазифалардан бири ҳисобланади. Диверсификацион сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида эса қуйидагилар ишлаб чиқилди:

давлат бюджетидан фундаментал лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш ва уларнинг амалий-инновацион лойиҳалар тарзида давом эттирилишини рағбатлантириш;

фундаментал тадқиқот лойиҳаларини давлат бюджетидан молиялаштириш мезонлари таркибидан лойиҳа натижаларини тижоратлаштириш имконияти мавжудлиги қисмини чиқариб ташлаш;

инновацион фаолиятни молиялаштиришда тижорат банклари кредитлари ҳисобидан эмас, балки инвестицион фаолият орқали амалга ошириш амалиётини ривожлантириш;

инновацион-инвестицион фаолиятни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик амалиётини жорий этиш;

венчур фондларининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш;

инновацияларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларга молиявий имтиёзлар бериш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион лойиҳаларини амалга оширишда илмий тадқиқотларга йўналтириладиган маблағларни назарда тутишни белгилаш;

инновацияларни янгиликлардан ажратиб турувчи мезонларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш.

Натижада, бюджет маблағларига бўлган талаб камаяди, инновацион маҳсулотларда яширин рақобат устунлиги мавжуд бўлишига эришилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятнинг ўрни”** деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш зарурати, инвестицион сиёсатнинг инновацияларга йўналтирилишининг иқтисодий хавфсизликка таъсири ва амалдаги ҳолат таҳлили бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.

Мамлакатимизда инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш заруратини икки воқелик орқали изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган устувор йўналиши бу БМТ томонидан ишлаб чиқилган барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида тизимли ислоҳотларни амалга оширишдир. Бу мақсадлардан бири айнан инновацияларни ривожлантиришни ўз ичига олиб, бу орқали табиий ресурсларнинг тежалиши, экологик хавфсизликнинг таъминланиши, камбағалликнинг қисқартирилиши ва бошқа кўплаб самараларга эришиш мумкинлиги таъкидлаб ўтилган.

Иккинчидан, макроиқтисодий назарияга кўра, мамлакатнинг ўзининг рақобат устунлиги ва иқтисодий мустақиллигига эришиши учун у иқтисодий ўсишнинг интенсив йўлидан бориши керак бўлади. Чунки ушбу йўл иқтисодий самарадорликнинг максимал даражаси таъминланишини назарда тутди. Бошқача айтганда, интенсив иқтисодий ўсиш иқтисодий хавфсизликнинг фундаментал асосларини мустаҳкамлашда асосий ролни ўйнайди ва кўйидагиларни талаб этади:

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг қўшилган қиймат занжирини максимал даражада миллий иқтисодиёт доирасида яратилишини таъминлаш;

иқтисодиётнинг йирик бизнесга ихтисослашган ҳолда ривожланиши;

миллий иқтисодиётда ички рақобат муҳитининг кучли бўлиши ва ташқи рақобатбардошлик даражаси мустаҳкамлигининг таъминланганлиги;

илмий сиғимкор маҳсулотларнинг яратилишига керакли шарт-шароитнинг мавжудлиги;

инновацион фаолиятни амалга оширилиши учун инвестицион муҳитнинг барқарорлиги, молиялаштириш манбаларининг диверсификацияланганлиги.

Кўриниб турганидек, интенсив иқтисодий ўсишнинг асосида ҳам айнан инновациялар ва уларга йўналтириладиган инвестицияларнинг барқарорлиги ётади.

Юқоридаги илмий қарашлар инновацион-инвестицион йўналишни миллий иқтисодий хавфсизликнинг алоҳида соҳаси сифатида кўришга асос бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда инновацион-инвестицион

хавфсизлик тизимини яратиш, бу борада меъерий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва молиявий механизмларини ривожлантириш, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган стратегик йўналишлардан бири ҳисобланади.

Дастлаб, инновацияларнинг ташқи инвестиция манбалари бўйича мавжуд ҳолатни кўриб чиқсак. Инновацияларни молиялаштиришнинг ташқи манбаларини макроиқтисодий даражада икки гуруҳга бўлиш мумкин: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва қарз муносабатларини келтириб чиқарувчи ссуда капитали. Ўзбекистонда ҳам лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилишда мазкур икки манбага алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқотимизнинг мазкур бобида молиялаштириш манбаларининг сўнгги йиллардаги ўзгариш динамикаси таҳлил қилинди ва қуйидаги тенденциялар аниқланди:

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда доимий барқарорлик динамикаси мавжуд эмас;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таркибида илм-фан ва илмий тадқиқот натижаларини молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми мавжуд эмас;

мамлакатга хорижий маблағларни жалб этишда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши пасайиб бормоқда;

хорижий маблағлар таркибида қарз инструментларидан, хусусан, давлат кафолати остидаги маблағларни жалб қилиш тенденциясининг ўсиши натижасида давлат қарзининг ошиши кузатилмоқда;

хорижий маблағларни жалб этишда давлат иштирокининг даражаси ортмоқда.

2-расмда Ўзбекистонга хорижий манбалардан маблағлар жалб этишда қарз инструментларининг улуши ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодиётига хориждан маблағлар жалб этиш кенг ривожланмоқда. Айниқса, давлат кафолати остида жалб этилаётган маблағлар ҳажми кескин суръатлар билан ўсиб бормоқда. Дарвоқе, 2016-2017 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши ссуда капитали ҳажмига нисбатан кўп бўлган бўлса, 2018 йилдан бошлаб ссуда капитали улуши оша бошлаган. Хаттоки, 2018 йилда қарз капиталининг жами қабул қилинган маблағлардаги улуши 72 фоизни ташкил этган. Бу эса, иқтисодиётда давлат иштирокининг ошаётганлигини кўрсатиб беради.

Инвестицион маблағларнинг инновацияларга йўналтирилиши, унинг самарадорлиги ва иқтисодий хавфсизликка таъсирини аниқлаш бўйича ҳам бир қатор статистик маълумотлар таҳлил қилинди. Бунда лойиҳалар йўналишига кўра фундаментал, амалий ва инновацион турларга ажратиб олинди.

Фундаментал лойиҳалар, ўз моҳиятига кўра, назариядаги бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилиб, унинг асосида чуқурлаштирилган фан тадқиқотлари ётади. Ўзбекистонда мазкур турдаги лойиҳаларнинг молиялаштирилиши ва амалга оширилиши юзасидан ўтказилган таҳлилларимиз натижасида қуйидагилар аниқланди:



2-расм. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда ссуда капиталнинг молиявий ҳисобдаги мажбуриятларнинг соф ўсишидаги улушлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

Инвестицион маблағларнинг инновацияларга йўналтирилиши, унинг самарадорлиги ва иқтисодий хавфсизликка таъсирини аниқлаш бўйича ҳам бир қатор статистик маълумотлар таҳлил қилинди. Бунда лойиҳалар йўналишига кўра фундаментал, амалий ва инновацион турларга ажратиб олинди.

Фундаментал лойиҳалар, ўз моҳиятига кўра, назариядаги бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилиб, унинг асосида чуқурлаштирилган фан тадқиқотлари ётади. Ўзбекистонда мазкур турдаги лойиҳаларнинг молиялаштирилиши ва амалга оширилиши юзасидан ўтказилган таҳлилларимиз натижасида қуйидагилар аниқланди:

фундаментал ва амалий лойиҳаларни бюджетдан молиялаштириш ҳажми ортиб бормоқда. Жумладан, бир лойиҳага тўғри келувчи молиялаштириш ҳажми ўртача икки баробарга ортган;

лойиҳаларнинг сони ва молиялаштириш ҳажми тескари пропорционал тарзда ривожланиб бормоқда;

инновацион лойиҳалар сони кескин камайиш тенденциясини кўрсатмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистонда фундаментал лойиҳалар сони ва молиялаштириш ҳажми

Лойиҳа тури	Лойиҳалар сони (дона)				Молиялаштириш ҳажми (млн сўм)			
	2018	2019	2020	Ўзгариш (%)	2018	2019	2020	Ўзгариш (%)
Фундаментал лойиҳалар	376	372	334	-11%	39 257,3	63 295,1	74 394,5	190%
Амалий лойиҳалар	1092	982	842	-23%	122 225,3	211 882,3	282 458,6	231%
Инновацион лойиҳалар	291	160	57	-80%	32 915,9	42 338,1	28 040,9	-15%

Манба: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотлари.

1-жадвалда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг 2019-2020 йиллардаги сони ва уларни молиялаштириш ҳажми келтирилган. Кўриниб турибдики, барча турдаги лойиҳаларда ўрганилган 3 йил давомида сон жиҳатдан фақат пасайиш тенденцияси кузатилган. Фундаментал лойиҳалар 11%га, амалий лойиҳалар 23%га, инновацион лойиҳалар эса 80%га қисқарган.

Молиялаштириш ҳажми бўйича амалий ва фундаментал лойиҳаларда умумий ўсиш, инновацион лойиҳаларда пасайиш кузатилган. Шунингдек, молиялаштириш ҳажми йиллар давомида аниқ тенденция бўйича ўзгармаётганлигини кўриш мумкин.

Инновацион лойиҳаларнинг сони 2019 йилдаги 160 тадан 2020 йилда 57 тагача камайганлиги лойиҳаларга қўйилаётган талабларнинг кескинлашганлиги ва лойиҳани танлаб олиш босқичларининг етарлича ошганлиги билан боғлиқдир. Шу билан бирга, бир лойиҳага тўғри келадиган молиялаштириш ҳажми кўпайиб, 492 млн сўмга етганлигини қайд этишимиз мумкин.

Бизнингча, илмий тадқиқотларни молиялаштиришда уларнинг натижаларини тижоратлаштириш имкониятига тамойил сифатида қараш мамлакат миқёсида илмий фаолиятнинг тўлақонли амалга оширилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Хусусан, ижтимоий ва иқтисодий фанлар доирасида амалга оширилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган илмий ғоя ва таклифлар тўғридан-тўғри даромад келтирмаслиги, аммо улар амалиётга татбиқ этилганда, тегишли қонунчилик ўзгартишлари орқали Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг бартараф этилишига олиб келиши мумкин. Шу боисдан, тижоратлаштириш имконини белгилаб берувчи тамойилни қуйидагича тартибда тизимлаштириш мақсадга мувофиқ:

ижтимоий ва аниқ фанлар кесимида илмий натижаларга нисбатан тижоратлаштиришнинг аниқ мезонларини шакллантириш;

илмий тадқиқот лойиҳалари – фундаментал, амалий ва инновацион категориялар доирасида тижоратлаштириш қоидаларини табақалаштириш.

Бундан ташқари, илмий тадқиқот лойиҳаларини давлат томонидан молиялаштириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бунинг асосий сабаби лойиҳа муаллифлари ва давлат номидан лойиҳанинг самарадорлигига баҳо берувчи ва шу асосда маблағларга ажратишга масъул шахслар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатнинг олдини олишда лойиҳачи ва баҳоловчи ўртасида тўғридан-тўғри муносабат пайдо бўлишига йўл қўймаслик, шу билан бирга, лойиҳалар сифати ва яшовчанлигини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, биз томонимиздан лойиҳани молиялаштириш жараёнининг тавсиявий модели ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Тадқиқот лойиҳаларини давлат томонидан молиялаштириш жараёни

Манба: тадқиқотлар асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

Моделга кўра, тадқиқот муаллифи (ёки муаллифлари) лойиҳани кўриб чиқиш учун маҳаллий ҳокимият органига топширадилар. Ҳокимиятнинг масъул ходимлари эса лойиҳани бирламчи кўздан кечиргач, уни онлайн платформа орқали Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига юборади. Вазирлик эса лойиҳани бир вақтнинг ўзида миллий ва халқаро экспертлар кенгашларига техник ва илмий экспертиза учун тақдим этади. Кенгашларнинг ҳар иккисидан ижобий хулоса олинган тақдирда, вазирлик уни маҳаллий ҳокимиятга юбориб, лойиҳани молиялаштириш мумкинлиги тўғрисида ўз хулосасини беради. Шундан сўнг, ҳокимнинг қарорига мувофиқ, маҳаллий бюджетдан маблағлар траншлар кўринишида ажратила бошлайди¹. Таъкидлаш жоизки, ушбу жараёнлар ягона онлайн платформа доирасида тўлиқ шаффоф шаклда амалга ошади. Лойиҳачи ҳам, маҳаллий ҳокимият органи ҳам ва ҳатто аҳоли ҳам лойиҳанинг тақдири тўғрисида тўғридан-тўғри маълумот олиш имкониятига эга бўлади.

Инновацион-инвестицион фаолиятни умумдавлат миқёсида ривожлантиришда маҳаллий ҳокимият органларининг иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар ҳудудда қандай ишланмаларга эҳтиёж юқори эканлиги ҳақида энг тўғри маълумотга эгалар. Шунингдек, уларнинг бошқарув тузилмаси ҳам сўнгги йилларда инновацион ривожланиш мақсадларига тўла мослаштирилди: инновацияларга масъул ҳоким ўринбосари лавозими жорий қилинди, маҳаллий ҳокимият органлари ҳузурида инновацион ишланмалар ва технологиялар трансфери марказлари ташкил этилди ва бошқалар. Шуларни инобатга олган ҳолда, инновацияларни давлат томонидан молиялаштиришда, давлат номидан айнан маҳаллий ҳокимликлар иш юритиши мақсадга мувофиқ. Бу орқали ҳам тадқиқотчилар учун, ҳам соҳадаги давлат мутасаддилари учун қулай иш муҳити яратилади.

¹Траншлар орқали маблағ ажратиш механизми венчур фондларинг ишлаш механизmidан олинди.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан фундаментал ва амалий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий аҳоли вакиллари бундай тадқиқотларга жалб этиш бўйича қўшимча рағбатлантириш чораларини амалга ошириш ҳудуднинг ҳар томонлама ривожланишига ўз хиссасини қўшади.

Таъкидлаш лозимки, баъзи лойиҳалар республика аҳамиятига эга муаммони ҳал этишга қаратилган бўлиши мумкин. Бу ҳолат кўпроқ фундаментал ва амалий лойиҳаларда кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам республика аҳамиятидаги тадқиқот лойиҳаларини марказлашган тартибда молиялаштириш тартибини биз томонимиздан ишлаб чиқилган тизимга муқобил сифатида сақлаб қолиш тавсия этилади.

Биз юқорида инновацион лойиҳаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тенденциялари билан танишиб ўтдик. Шу ўринда, уларнинг бюджетдан ташқари ва хусусий маблағлар орқали молиялаштирилиши бозор иқтисодиёти шароитида идеал ҳолат ҳисобланади ва бу, бир томондан, инновацион-инвестицион хавфсизлик соҳасидаги миллий манфаат деб кўрилиши мумкин. Чунки хусусий маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар мақсадли йўналтирилган ва шунинг учун ҳам анча самарали бўлади. Лекин, Ўзбекистонда инновацияларни молиялаштиришда хусусий секторнинг улуши 30% дан ошмайди. Бу кўрсаткич жаҳон тажрибасида кузатилаётган тенденцияларга тамоман тесқаридир: катта йигирмалик мамлакатларида инновацияларнинг 70% дан ортигини хусусий секторнинг ўзи инвестициялар билан таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, инновацияларни молиялаштиришда хусусий сектор учун биринчи навбатда давлатнинг кўмаги керак бўлади. Бу турли кўринишларда: субсидиялар, солиқ имтиёзлари, махсус фондлар ташкил этиш ва давлат-хусусий сектор шериклиги асосда амалга оширилиши мумкин. Улар ичида энг самарали усуллардан бири – венчур фондларидан фойдаланиш ҳисобланади. Ўзбекистонда 2020 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан венчур молиялаштиришга тавсия этилган бирламчи лойиҳалар 13 тани ташкил этиб, уларнинг умумий қиймати 267,8 млрд сўмга етади. Шундан 8 таси инновацион, 1 таси тажриба-конструкторлик ва қолган 4 таси стартап лойиҳаларидир. Бунда бир лойиҳага тўғри келувчи ўртача молиялаштириш қиймати 20 млрд сўмдан ортади. Бу каби лойиҳаларни молиялаштириш учун 2019 йилда 4 та инвестиция компанияси (“Ўзбек-Амирликлар”, “Венчур Капитал Инвест”, “Vodiy Investments” ва “IT PARK INVESTMENTS”), 2 та венчур фонди (“Astron” ва “IT-park venture fund”) ва 1 та бошқарув компанияси (“Vodiy Investments Management”) ташкил этилди. Кўрсатиб ўтилганидек, бир лойиҳага тўғри келувчи молиялаштириш ҳажми хусусий секторда давлат секторидагига қараганда 40 бараваргача кўпроқдир. Бу эса, венчур фондларнинг ўзлари учун ниҳоятда рискли ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, венчур фондларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Япония тажрибаси асосида таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан:

рискли (янги ғояни) инвестицион фаолиятнинг тамойилларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

венчурли молиялаштиришнинг бошланғич даврини аниқлаш;

ғояни молиялаштириш даврида инвестициялаш меъёрлари (йиллар кесимидаги ҳажми) ни аниқ белгилаш;

венчурли молиялаштириш субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий асосларини белгилаш;

Ўзбекистонда венчурли молиялаштиришнинг давлат ва хусусий сектор ўртасида биргаликда молиялаштиришнинг ўзаро нисбатини аниқлаш;

венчурли молиялаштиришда миллий ва хорижий маблағларнинг ўзаро нисбатини белгилаш;

венчур фондлар асосида молиялаштирилган лойиҳаларнинг тугатилишини соддалаштириш;

венчур фондларидаги улушни молия бозорида сотишга нисбатан қўйилган талабларни шакллантириш.

Таъкидлаб ўтилганидек, бизнинг тадқиқотимизнинг моҳиятида хусусий сектор ролини ошириш ётади. Шу мақсадда инновацион-инвестицион фаолият учун керакли экотизим модели ишлаб чиқилди, мазкур экотизимни Ўзбекистонда шакллантириш бўйича механизм яратилди. Инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш”** номли учинчи бобида Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар аниқланган, уларнинг таъсирини камайтириш ҳамда инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш юзасидан илғор хорижий тажрибалар ўрганилган. Шунингдек, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион тадбиркорликдан фойдаланиш ва инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилган.

Олдинги боб доирасида олиб борилган изланишлар натижасида мамлакатимизда инновацион-инвестицион соҳасида қуйидаги салбий тенденциялар, ёки бошқача айтганда муаммолар юзага келаётганлиги аниқланди:

мамлакатимизда яратилаётган инновацион лойиҳаларга хорижий инвесторларнинг қизиқиши кўзга ташланмаяпти. Натижада улар асосан қарз инструментлари ҳисобига молиялаштирилмоқда;

сўнгги йилларда Ўзбекистонда барча турдаги: фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг ҳам сони қисқариб бормоқда. Уларга ажратилган бюджет маблағлари ҳажми эса, умуман олганда, аниқ тенденцияга эга эмас;

инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга танлаб олиш жараёнидаги талаблар ва мезонлар мураккаблашиб бормоқда. Айни вақтда ушбу талаб ва мезонлар лойиҳаларнинг фан хусусиятини инобатга олмаяпти;

бир лойиҳага тўғри келадиган ўртача молиялаштириш ҳажми тез суръатлар билан ортиб бормоқда. Бу эса лойиҳа рискни ошириш билан бир вақтда, соҳада коррупцион ҳолатлар ва манфаатлар тўқнашувининг юзага келишига замин ҳозирламоқда.

Мазкур салбий тенденциялар (муаммолар) ўзининг миқёси, соҳанинг ривожланиш даражасига салбий таъсири ва статистик кўрсаткичларига кўра иқтисодий хавфсизликка таҳдид даражасига кўтарилган.

Ҳозирда мавжуд ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларнинг олдини олиш, шунингдек инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш

бўйича бир қатор хориж тажрибалари ўрганилди. Хусусан, АҚШ тажрибасидан фрилансинг тадбиркорлиги ва форсайт методи, Япония тажрибасидан венчур фондлари, вертикал интеграциялашган тизим ва форсайт методи, Корея тажрибасидан инновацияларни ривожлантириш бўйича махсус давлат дастурларидан фойдаланиш йўллари, Хитой тажрибасидан лойиҳаларни яширин эксперт механизми орқали танлаб олиш ва инновацияларни фискал қўллаб-қувватлаш, Россия тажрибасидан индикаторлар тизими каби жиҳатлар олиниб, тадқиқ этилди. Бу мамлакатлар тажрибаларининг умумий жиҳати кичик ва ўрта бизнеслар учун мукамал ахборот таъминоти эканлиги аниқланди. Масалан, уларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

краудфандинг ва қулай кредитлаш бўйича ахборотлар;

янги лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат кўмаги тўғрисидаги асосий ахборотлар;

истикболли лойиҳа ва инвесторлар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинуви платформалари.

Бундай тажрибани, шунингдек, “Катта йигирмалик”нинг деярли барча мамлакатларида учратиш мумкин.

Шунингдек, инновацион фаолиятни ташкил этиш ва унга инвестицияларни йўналтиришда Япония ва АҚШ билан бир қаторда Германия, Буюк Британия ва Франция каби ривожланган мамлакатларда ҳам форсайт методологиясидан кенг фойдаланаётганлиги аниқланди. Мазкур услуб орқали 30 йилгача бўлган истикболда фан, технология, иқтисодий ва жамият ривожланишининг тизимли таҳлили амалга оширилиб, шу асосда стратегик тадқиқот йўналишлари белгиланади.

Форсайт методологиясидан фойдаланиш орқали тадқиқотларни қандай ва қайси йўналишда ташкил этиш аниқлаб олинади. Ушбу услубнинг афзаллиги шундаки, у орқали иқтисодий хавфсизлик ҳолатини таҳлил этиш ва прогноз қилиш, инновациялар орқали вазиятни ўзгартиришга шарт-шароит яратилади. Шунингдек, мазкур услуб иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни вужудга келтириши мумкин бўлган соҳаларни олдиндан аниқлаш имконини беради.

Бундан ташқари, иқтисодий инкирозларнинг юзага келишида эпидемик ҳолатларнинг олдиндан аниқ прогноз қилиб бўлмаслиги, унинг оқибатларини бартараф этишга давлат бюджетидан катта маблағлар жалб этилиши иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг мураккаблигини кўрсатиб беради. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга нисбатан замонавий ёндашувларни ўрганиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бизнингча, ахборот технологияларининг ривожланиши тадбиркорлик фаолиятининг ҳам янги шакллари юзага келишини таъминламоқда. Жумладан, ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолияти интернет тармоқлари орқали ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Улардан бири бу фриланс фаолияти бўлиб, у инновацион тадбиркорлик сифатида XXI асрнинг бошларида пайдо бўлди. Ушбу атама инглиз тилидан (freelance) ўзбек тилига таржима қилинганда “ўз-ўзини банд қилиш” деган маънони беради.

Фриланс-тадбиркорлик шаклининг асосий хусусияти бу унинг интернет тармоғи орқали амалга оширилишидир. Ўзида инновацион хусусиятларни жамлаган фриланс-тадбиркорлик анъанавий тадбиркорликдан ўзининг қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

фаолият субъекти фақатгина фрилансер, яъни иш берувчининг мавжуд эмаслиги;

шартномаларнинг қисқа ёки бир марталик хусусият касб этиши;

тадбиркорликнинг мазкур турида хизматлар амалга оширилиши;

уйдан туриб ишлаш мумкинлиги;

фаолиятдан олинган даромадлар жисмоний шахслар даромадига киритилмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 369-модда 9-банд).

Бизнингча, мазкур шаклдаги тадбиркорлик шаклини ривожлантириш, айниқса, хорижий мамлакатлардан буюртмалар олиш орқали ишлашни ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Унинг ривожлантирилиши қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради, деб ҳисоблаймиз:

қулай меҳнат шароити;

иш вақтининг эркинлиги ёхуд масофадан ишлаш мумкинлиги;

иш жойини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни талаб этмаслик;

хорижий буюртмалар натижасида мамлакатга валюта оқимининг ортишига шароит яратилиши;

меҳнат шартномаси кунлик иш вақтига эмас, балки шартноманинг бажарилишига боғлиқ эканлиги;

фрилансернинг иш жойига бориш билан боғлиқ транспорт ва бошқа кунлик харажатлари қисқариши;

жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш имкониятини тўлиқ шакллантирилиши кабиларни келтириш мумкин.

Турли инқирозли шароитлар, айниқса, пандемия оқибатларида иқтисодий хавфсизликка бўладиган таҳдидларни бартараф этишда инсонларнинг даромадга эга бўлиши муҳим омил бўлмоқда. Бу эса масофадан ишлаш орқали тадбиркорликни амалга оширишга бўлган заруратни келтириб чиқаради.


АҚШ да 2014 йилдан бошлаб жадал ривожланаётган фриланс тадбиркорлиги ЯИМнинг 5 фоизга яқинини ташкил этиши инновацион тадбиркорликнинг аҳамиятини кўрсатиб беради. АҚШ да фриланс (инновацион тадбиркорлик) билан тўлиқ, қисман ва кўшимча меҳнат фаолиятини амалга оширувчиларнинг 2014-2019 йилдаги тенденцияларига эътибор қаратсак, фриланс билан тўлиқ меҳнат фаолиятини амалга оширувчилар улуши 17 фоиздан 28 фоизга кўпайган. Асосий иш фаолияти эга бўлиш билан бирга, фриланс билан шуғулланувчилар улуши 6 фоиз пунктга ортганлиги¹ фриланснинг истиқболли тадбиркорлик фаолият тури эканлигини кўрсатиб турибди.

Тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, инқирозли ҳолатларда иқтисодий барқарорликни сақлаб туриш учун инновацион тадбиркорлик турларини ҳам ривожлантиришга эътибор бериш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда фриланс – инновацион тадбиркорлик турини ривожлантириш учун қуйидаги йўналишлардаги ишларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

Биринчидан, интернет тармоғи билан қамраб олиш даражаси ва унинг тезлигини барқарорлаштириш. Интернет қамровини мустаҳкамлаш инсонларга масофадан туриб меҳнат шартномаларини тузиш ва уни бажаришга имкон беради.

¹ Adam Ozimek Report: Freelancing and the Economy in 2019. <https://www.upwork.com/press/economics/freelancing-and-the-economy-in-2019/>

Иккинчидан, фриланс тадбиркорлиги учун меҳнат ҳақини тўлашда электрон тўлов тизимини янада мустаҳкамлаш, фриланс тадбиркорлиги учун банклар томонидан алоҳида пластик карталарни жорий қилиш. Бунда буюртмачи томонидан тўлов амалга оширилгандан сўнг, фрилансер ҳисобида маблағ кўринсада, меҳнат натижасини қабул қилгандан сўнг маблағдан фойдаланиш имкони вужудга келиши лозим (Аккредитив механизмига ўхшаш бўлиши керак) (4-расм).



4-расм. Ўзбекистонда фриланс тадбиркорлик фаолиятида молиявий муносабатлар модели

Манба: тадқиқотлар асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

Учинчидан, фриланс тадбиркорлиги билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш ва уни қабул қилиш. Унда фриланснинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш муҳим ҳисобланади. Фрилансер меҳнатига қўйилган талаблар, унинг сифатини назорат қилиш механизми кабиларни инобатга олиш зарур ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг даромадларини диверсификация қилиш инқироз оқибатларини бартараф этишда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан, инновацион тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодий хавфсизликни барқарорлаштириш устуворлик аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Иқтисодий хавфсизликни пандемия шароитида ва ундан сўнгги даврда таъминлаш учун илмий тадқиқотларни молиялаштириш ҳажмининг нафақат бюджетдан, балки хусусий манбалардан ҳам амалга оширилишини кенгайтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш ва уни молиялаштиришда хусусий сектор маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш бўйича макроиқтисодий механизм ишлаб чиқилди. Илмий-тадқиқотларни молиялаштириш ҳажмининг ЯИМга нисбатан улушини оширишда хусусий манбаларнинг ҳам ўрнини мустаҳкамлаш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу боисдан, мазкур механизмда инновацияларни ривожлантиришнинг молиявий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.



5-расм. Ўзбекистонда иновацион-инвестицион фаолиятни ривожланитириш механизми

Манба: тадқиқотлар асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш лозимки, иновацион-инвестицион фаолиятни ривожланитиришда макроиктисодий жиҳатдан урта омилини тизимлаштириш (уч томонлама ёндашув) муҳим ҳисобланади: хуқуқий асослар, инфратузилма ва молиялаштириш асослари. 5-расмда бу борадаги муаллифлик механизми келтирилган бўлиб, унда иновацион-инвестицион фаолиятни ривожланитириш учун бир вақтнинг ўзида уч йўналишда давлат сиёсатини олиб бориш керак бўлади. Таъкидлаш ўринлики, ушбу механизм иновацион-инвестицион фаолият учун керакли фундаментал экотизим яратишни назарда тутиб, уни жорий қилиш учун ўрта муддатли давр – 1-3 йил керак бўлади. Механизм тўлиқ жорий қилинганда, иновацион-инвестицион фаолият бозор механизмлари орқали ўзини-ўзи тартибга солишни бошлайди.

Механизмда иновацион-инвестицион фаолиятни малакали ва етуқ кадрлар билан таъминлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилган. Иновацион-инвестицион фаолият бир вақтнинг ўзида ҳам фан, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам молиялаштириш тизимларининг ўзаро интеграциясини тақозо этади. Бундай интеграцияни йўлга қўйишда ҳам форсайт усулидан фойдаланиш муҳим ҳисобланиб, унинг доирасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

олий таълим муассасалари таркибида ихтисослашган технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказлари ташкил этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари, олим ва мутахассислар, хўжалик юритувчи субъектлар, илмий-ишлаб чиқариш тузилмалари, илмий-техник марказлар ва технопарклар томонидан тақдим этилган лойиҳаларни мустақил экспертизадан ўтказиш марказларини ташкил этиш;

олий таълим муассасалари, хусусий инвесторлар ва банклар муассислигида венчур фондлар ташкил этиш ва лойиҳаларни молиялаштириш;

фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантириш, инновацион фаолият ва рақобатбардош илмий-техник маҳсулотлар бозорини кенгайтиришга қаратилган замонавий технологияларни жорий этиш.

Шу билан бирга, инфратузилмани шакллантиришда хусусий секторга кенгроқ имкониятлар яратиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги илғор хорижий тажрибалардан ҳам маълум бўлмоқда. Бунда айниқса, ҳар бир давлат бошқаруви органида инновацияларни жорий этилишини рағбатлантириш ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг бош омили бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий хавфсизликнинг барча соҳаларидаги каби инновацион-инвестицион хавфсизлик соҳасида юзага келаётган муаммолар, рисклар ва таҳдидларни аниқлашда индикатив ёндашувдан фойдаланилади. Бунинг учун биз томонимиздан халқаро ташкилотлар тавсиялари, хорижий тажрибалар ва турли муаллифлар илмий тадқиқотларига таянган ҳолда энг муҳим индикатор танлаб олинди ва уларнинг чегаравий қийматлари Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда белгиланди (2-жадвал).

2-жадвал

Инновацион-инвестицион хавфсизлик ҳолатини баҳолаш индикаторлари

№	Индикатор	Чегаравий қиймати
1	Жами саноатда қайта ишлайдиган саноатнинг улуши	>70 фоиз
2	Машина (ускуна) ишлаб чиқаришнинг саноатдаги улуши	>20 фоиз
3	ЯИМга нисбатан инвестиция ҳажми	>25 фоиз
4	ЯИМга нисбатан илмий тадқиқотларга харажатлар	>2 фоиз
5	Машина (ускуна) ишлаб чиқаришда янги маҳсулотларнинг улуши	>6 фоиз
6	Ички истеъмолда импортнинг улуши (жумладан, озиқ-овқат)	<30 фоиз (<25 фоиз)
7	Саноат потенциалидаги импорт товарларининг улуши	<20%
8	Инновацияларни жорий этувчи корхоналарнинг улуши	>15%
9	Инновацион маҳсулотларнинг саноат маҳсулотидаги улуши	>25%
10	10 000 аҳолига тўғри келувчи талабалар сони	>600 нафар
11	10 000 аҳолига тўғри келувчи тадқиқотчилар сони	>120 нафар

Манба: муаллиф томонидан тузилди.

Тадқиқотлар асосида таъкидлаш лозимки, инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш, бир томондан, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашда асосий таянч нукта бўлса, бошқа томондан иқтисодий хавфсизликка эришишда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот давомида амалга оширилган изланишлар натижасида қуйидаги илмий хулосалар ва таклифлар шакллантирилди:

1. Инновацион-инвестицион фаолиятга боғлиқ тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосан ёки инновацияларни, ёки соҳага инвестициялар йўналтиришни рағбатлантириш механизмларини ўрганишга қаратилган. Шунингдек, ушбу икки масалани иқтисодий хавфсизлик кесимида ўрганишга бўлган объектив зарурат тадқиқотчилар назаридан четда қолган. Бундан ташқари, инновацион ва инвестицион фаолиятлар ўзаро боғлиқликда ўрганилмаган.

Шу нуқтаи назардан, биз томонимиздан ушбу икки фаолият турини ўзида уйғунлаштирган инновацион-инвестицион фаолият тушунчасини фанга киритишга эҳтиёж асосланди, унинг иқтисодий хавфсизликка тўғридан-тўғри боғлиқлиги аниқланди.

2. Инновацион-инвестицион фаолиятга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: инновацион-инвестицион фаолият бу маълум муддатга мўлжалланган молиявий ресурсларни инновацион лойиҳаларни инвестициялашга йўналтирган ҳолда илмий сиғими юқори бўлган қиймат яратишни аниқлаб, унинг асосий натижаси барқарор иқтисодий ўсиш суръатларида кўринади. Бизнингча, инновацион-инвестицион жараёнларни тўлиқ амалга ошириш учун унинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатларини мустаҳкамлаш айтиб бошланган ислохотларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. Олиб борилган назарий тадқиқотлар натижасида инновацион-инвестицион фаолият ривожланиши учун зарур бўлган экотизим модели ишлаб чиқилди. Ушбу моделни яратишда соҳага оид тадқиқотлар, хорижий тажрибалар ва Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланildi.

4. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари барқарорлигини таъминлаш мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири эканлиги аниқланди. Шунингдек, таҳлиллар натижасида молиялаштириш манбаларининг ўзаро нисбатини мақбуллаштириш, ҳам инновацион лойиҳанинг, ҳам соҳанинг молиявий хавфсизлигини таъминлайди, деган хулоса ясалди. Шу нуқтаи назардан, қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

давлат бюджетидан фундаментал лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш ва уларнинг амалий-инновацион лойиҳалар тарзида давом эттирилишини рағбатлантириш;

тадқиқот лойиҳаларини давлат бюджетидан молиялаштиришнинг бош мезони сифатида улардан олинadиган натижаларни тижоратлаштириш имконияти эмас, балки уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарасига эътибор қаратиш;

инновацион фаолиятни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан эмас, балки уларнинг инвестициявий фаолияти орқали молиялаштириш амалиётини ривожлантириш;

инновацион-инвестицион фаолиятни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш;

инновацияларни молиялаштиришга йўналтирилган бизнес маблағларига молиявий имтиёзлар бериш (масалан, фойда солиғидан озод қилиш);

венчур фондлар учун инновацияларни янгиликлардан ажратиб турувчи мезонларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиқиш.

5. Хўжалик юритувчи субъектларнинг муваффақиятли инновацион-инвестицион фаолияти уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг бош омилларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, улар бу орқали бозорда рақобат устунлигига эга бўлиш билан биргаликда, рақобатчи корхоналарни ҳам ушбу фаолиятга алоҳида эътибор қаратишга мажбур қилади.

Тадқиқот доирасида хўжалик юритувчи субъектлар учун инновацияларни инвестициялаш манбаларини диверсификация қилишда венчур фондларидан фойдаланишнинг Ўзбекистон шароитида устувор йўналиш эканлиги асосланди. Бу борада венчур фондлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Япония тажрибаси асосида таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан:

рискли (янги ғояни) инвестицион фаолиятнинг тамойилларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

венчурли молиялаштиришнинг бошланғич даврини аниқлаш;

ғояни молиялаштириш даврида инвестициялаш меъёрлари (йиллар кесимидаги ҳажми)ни аниқ белгилаш;

венчурли молиялаштириш субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий асосларини белгилаш;

Ўзбекистонда венчурли молиялаштиришнинг давлат ва хусусий сектор ўртасида биргаликда молиялаштиришнинг ўзаро нисбатини аниқлаш;

венчурли молиялаштиришда миллий ва хорижий маблағларнинг ўзаро нисбатини белгилаш;

венчур фондлар асосида молиялаштирилган лойиҳаларнинг тугатилишини соддалаштириш;

венчур фондларидаги улушни молия бозорида сотишга нисбатан қўйилган талабларни шакллантириш.

6. Инновацияларни молиялаштириш манбаси сифатида Ўзбекистонга жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар структураси ўрганиб чиқилди ва унда илм-фан ва илмий тадқиқот натижаларини молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар йўқлиги аниқланди. Шу нуқтаи назардан, ташқи инвестицион фаолият доирасида хорижий инвестицияларни жалб этишда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

инвестициялар ҳажмининг ЯИМдаги улушининг меъёр даражасида бўлишини таъминлаш;

инвестицион фаолиятнинг фақат молиявий мақсадларни кўзда тутганлигини ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалардан четга чиқмаслигини таъминлаш.

7. Илмий тадқиқотларнинг барча натижаларини тижоратлаштириш имконияти бўлишининг талаб этилиши илмий фаолиятни амалга оширишга тўлиқ имкон бермаслиги мумкин. Шу боисдан, тижоратлаштириш имкониятини белгилаб берувчи тамойил талабларини табақалаштириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, илмий тадқиқотларни молиялаштиришда уларни қуйидагича табақалаштириш таклифи ишлаб чиқилди:

лойиҳанинг муддатига кўра табақалаштириш – бунда фаннинг илмий натижага эришиш хусусиятини инобатга олиш;

лойиҳанинг шаклига кўра табақалаштириш – бунда фундаментал, амалий ёки инновацион лойиҳалар учун алоҳида тижоратлаштириш мезонларини қўллаш;

лойиҳанинг соҳа хусусиятига кўра табақалаштириш – бунда давлат бюджети маблағларини ижтимоий хусусиятдаги, хусусий сектор маблағларини эса тижорат хусусиятидаги лойиҳаларга йўналтириш амалиётини жорий этиш. Бунда фундаментал лойиҳалар ижтимоий характер, инновацион лойиҳалар эса кўпроқ тижорий хусусият касб этишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

8. Инновацияларга инвестицияларни йўналтиришда инновацияларнинг вужудга келиш шарт-шароитлари ва йўналишларини инобатга олган ҳолда тизимлаштириш мақсадга мувофиқ. Бундай тизимлаштириш инновацион сиёсатни соҳалар кесимида амалга ошириш, молиялаштириш жараёнида рисклар ва имкониятларни тўғри инобатга олиш, бу орқали тегишли қўллаб-қувватлаш ёки тартибга солиш чораларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Қуйида эса иқтисодий тармоқларининг техник-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инновациялар соҳаларга тақсимланган:

саноат соҳасидаги инновациялар;

молиявий хизматлар соҳасидаги инновациялар;

таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги инновациялар;

ахборот технологиялари соҳасидаги инновациялар;

транспорт соҳасидаги инновациялар ва ҳ.к

9. Мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигига инновацион-инвестицион фаолият билан боғлиқ қуйидаги таҳдидлар юзага келаётганлиги аниқланди:

мамлакатимизда яратилаётган инновацион лойиҳаларга хорижий инвесторларнинг қизиқиши кўзга ташланмаяпти. Натижада улар асосан қарз инструментларига ҳисобига молиялаштирилмоқда;

сўнгги йилларда Ўзбекистонда барча турдаги: фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг ҳам сони қисқариб бормоқда. Уларга ажратилган бюджет маблағлари ҳажми эса, умуман олганда, аниқ тенденцияга эга эмас;

инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга танлаб олиш жараёнидаги талаблар ва мезонлар мураккаблашиб бормоқда. Айни вақтда ушбу талаб ва мезонлар лойиҳаларнинг фан хусусиятини инобатга олмаяпти;

бир лойиҳага тўғри келадиган ўртача молиялаштириш ҳажми тез суръатлар билан ортиб бормоқда. Бу эса лойиҳа riskини ошириш билан бир вақтда, соҳада коррупцион ҳолатлар ва манфаатлар тўқнашувининг юзага келишига замин ҳозирламоқда.

Мазкур салбий тенденциялар (муаммолар) ўзининг миқёси, соҳанинг ривожланиш даражасига салбий таъсири ва статистик кўрсаткичларига кўра иқтисодий хавфсизликка таҳдид даражасига кўтарилган.

10. Хориж тажрибалари асосида инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш учун керак бўладиган кадрлар таъминоти бўйича индикаторлар ва уларнинг чегаравий қийматлари аниқланди. Улардан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида кадрлар таъминоти ўрнатилган энг кам меъёрдан 3-5 баравар камлиги аниқланди.

11. Тадқиқот давомида юқори инновацион салоҳиятга эга бир қатор мамлакатлар тажрибаси ўрганилди. Уларнинг энг муваффақиятли жиҳатлари Ўзбекистонда инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда инобатга олинди. Хусусан, Хитой тажрибасидан инновацияларни фискал қўллаб-қувватлаш, Россия тажрибасидан индикаторлар тизими, Япония тажрибасидан венчур фондлари, Жанубий Корея тажрибасидан инновацияларни ривожлантириш бўйича махсус давлат дастурлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда фойдаланилди.

12. Иқтисодий инқирозларнинг юзага келишида эпидемиологик ҳолатларни олдиндан аниқ прогноз қилиб бўлмаслиги ёки уларнинг оқибатларини бартараф этишга давлат бюджетидан катта маблағлар жалб этилиши иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг мураккаблигини кўрсатиб беради. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга нисбатан замонавий ёндашувларни ўрганиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Тадқиқот ишида замонавий тадбиркорлик тури – фриланс тадбиркорликни ривожлантиришнинг зарурати асосланди.

13. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш қуйидаги мақсадларга эришишга хизмат қилади:

ЯИМ реал ўсишининг аҳоли сони ўсишидан олдинда бўлиши;

инфляциян жараёнларнинг олдини олиш ва салбий таъсирини камайтириш;

тўлов балансининг ижобий қолдиққа эга бўлишини таъминлаш;

ЯИМда инновацион маҳсулотлар улушининг ортиши ва бунда хусусий сектор ролининг юқорилиги;

давлат ташқи қарзининг кескин ўсиб кетишини олдини олиш.

Умуман олганда, республикада иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион йўли танлаб олиниши соҳа ривожини учун қўйилган энг муҳим қадамдир. Мазкур танлов концептуал хусусиятга эга бўлиб, уни амалга ошириш учун бир қатор стратегик ва тактик характерга эга вазифалар амалга оширилиши керак бўлади. Бунда инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, мазкур жараённи комплексли ташкил этиш вақт ва маблағ йўқотиш рискинни минималлаштиради. Зеро, илғор хориж тажрибалари кўрсатиб турганидек, ҳозирда олиб борилаётган ислохотлар билан бир қаторда юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишларга ҳам эътибор бериш ўз самарасини кўрсатади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ № DSC.30.08.2019.Ss.89.01
ПРИ ВЫСШЕЙ ШКОЛЕ СТРАТЕГИЧЕСКОГО АНАЛИЗА И
ПРОГНОЗИРОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ВЫСШАЯ ШКОЛА СТРАТЕГИЧЕСКОГО АНАЛИЗА И
ПРОГНОЗИРОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

КАДИРОВ МАХАМАТНАСИР УКТАМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ И
ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ
ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**23.00.05 – Системный анализ и прогнозирование проблем национальной
безопасности (экономические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

Ташкент – 2021

Диссертация доктора философии (PhD) по экономическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Iqt1562.

Диссертационная работа выполнена в Высшей школе стратегического анализа и прогнозирования Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на Информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Жумаев Нодир Хосиятович**
доктор экономических наук, профессор


Официальные оппоненты: **Бурханов Ақтам Усаманович**
доктор экономических наук, профессор
Мирхаётов Мирвоҳид Мирзохид ўғли
доктор философии по экономическим наукам (PhD)

Ведущая организация: **Высшая школа бизнеса и предпринимательства при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится 24 февраля 2021 года в 14:00 часов на заседании Научного совета № DSc.30.08.2019.Ss.89.01 при Высшей школе стратегического анализа и прогнозирования Республики Узбекистан.

С диссертацией доктора философии (PhD) по экономическим наукам можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Высшей школы стратегического анализа и прогнозирования Республики Узбекистан (зарегистрировано под номером 2298)

Автореферат диссертации разослан 13 февраля 2021 года.
(протокол реестра № 1 от 13 февраля 2021 года)



И.И.Бобокулов
Председатель Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, д.ю.н., профессор

И.Н.Исламов
Учёный секретарь Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, д.и.н., доцент

Қ.А.Джурасев
Председатель Научного семинара при Разовом научном совете на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, д.п.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ

(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В основном темпы роста мировой экономики достигаются за счет изобретений, появления и коммерциализации новых продуктов. Тот факт, что в развивающихся странах основная часть экспорта приходится на природные ресурсы, приводит к понижению внимания к инновациям. В качестве примера можно привести Объединенные Арабские Эмираты. Основную часть экспорта составляют нефть и драгоценные металлы. А в составе импорта, значительной считается доля готовых потребительских товаров. Например, если 1/3 часть импорта приходится на Японию, то текстильная продукция ввозится из Китая¹. А это, требуя интенсивного привлечения инвестиций в инновационную деятельность, показывает, какую важную роль он занимает в обеспечении экономической безопасности страны. Компании с таким опытом даже представлены в форме символа стран. В качестве примера можно привести такие компании, как японская Toyota, американские Microsoft и Apple, южнокорейская компания Samsung. Основные стратегии этих компаний основаны на том, что объем инвестиций в инновации очень высок. В частности, компания Apple, в первой половине 2019 года потратила на инновации (исследования и разработки) 4,2 млрд долларов США, а к концу 2019 года данный показатель превысил 16 млрд долларов США².

Рост напряженности в мировой экономике усиливает влияние на экономическую безопасность государств. К ним можно отнести такие обстоятельства, как разногласия между крупными экономиками, различные санкции и увеличение внешнего долга. Кроме того, начало пандемического кризиса с начала 2020 года стало в очередной раз испытанием для экономик стран мира. Это ставит перед национальной экономикой задачи, связанные с формированием и реализацией приоритетных направлений на современном уровне. В XXI веке страны переходят с пути экстенсивного экономического роста на путь интенсивного экономического роста. Это направление находит отражение в развитии инновационной деятельности в странах. В свою очередь, изучается роль инновационной и инвестиционной деятельности в обеспечении экономической безопасности страны. В соответствии с этим, формируется система показателей финансирования исследований, их стратификации с точки зрения сроков, объема средств и для обеспечения экономической безопасности.

На сегодняшний день в Узбекистане основным источником финансирования инновационной и инвестиционной деятельности считаются отчисления из государственного бюджета. Тем не менее, полное формирование правовой основы для процессов, связанных с венчурными фондами, стартапами, фриланс-предпринимательством при финансировании за счет частных источников, переросло в необходимость. В частности, небольшая сумма расходов на науку в государственном бюджете не дает полной возможности на создание инноваций. Небольшая доля готовой или наукоемкой продукции в экспорте Узбекистана

¹<https://internationalwealth.info/offshore-business-abroad/peculiarities-of-import-and-export-uae/>

²<https://appleinsider.ru/eto-interesno/skolko-stoyat-innovacii-apple.html>

также указывает на то, что в обеспечении экономической безопасности имеются сложности. Поэтому, достижение экономической стабильности путем развития инновационной и инвестиционной деятельности считается важным. В действительности, как отметил Президент Республики Узбекистан, “наука и инновации создают основу для развития страны”¹.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит осуществлению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, №УП-5544 от 21 сентября 2020 года “Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан в 2019-2021 годах» и №УП-5583 от 24 ноября 2018 года “О дополнительных мерах по совершенствованию механизма финансирования проектов в сфере предпринимательства и инноваций”, постановлениях №ПП-3698 от 7 мая 2018 года “О дополнительных мерах по совершенствованию механизма внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики” и №ПП-4742 от 8 июня 2020 года “О мерах по упрощению государственного регулирования предпринимательской деятельности и самозанятости”.

Степень изученности проблемы. Исследования в области инновационно-инвестиционной деятельности, ее места и роли в обеспечении экономической безопасности проводились многими зарубежными учеными. В частности, А.Барт, Р.Кан, Д.Кейнс, Й.Шумпетер, Г.Вукович, А.Крылова, С.Глазьев, А.Градов, А.Ильин, И.Давиденко, И.Долматов, И.Зубова, С.Лапаев, А.Лукин, Е.Митяков, Е.Михалко, О.Полозюкова, Т.Попова, О.Селюгина, В.Сенчагов², при проведении исследований по инновационной деятельности,

¹Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева Олий Мажлису. 29 декабря 2020 года.

